

**УДК 619.638.1:615.779.9**

**АСАЛАРИ КАСАЛЛИКЛАРИГА ҚАРШИ АНТИБИОТИКЛАР  
САМАРАДОРЛИГИ**

**Юнусов Х.Б.** – биология фанлари доктори, профессор

**Ибрагимов Ф.Б.** – ветеринария фанлари номзоди, доцент,

**Дускулов В.М.** – ветеринария фанлари номзоди, доцент в.б.,

**Суюнов Р.У.** - асистент

**Бердиева Н.М.** - талаба

**Рустамова Ш.А.**

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети

**Аннотация.** В статье переведена сведения о болезни встречающейся семействе пчел, а также о порядке подачи сахарного сиропа с препаратом стрептоцид для лечения американском гнилья, и варроатоза и его эффективности против этих заболеваний.

**Summary.** The article has translated information about the disease to the bee family, as well as about the procedure for feeding sugar syrup with the drug streptoside for the treatment of American, rot, and varroatosis and its effectiveness against these diseases.

**Мавзунинг долзарблиги:** Республикаизда асаларичилик соҳасини ривожлантириш бўйича бир қатор чора тадбирлар ишлаб чиқилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 октябрдаги ПҚ -3327 сонли «Республикаизда асаларичилик тармоғини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарори – Республикаизда асаларичилик тармо-ини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш, тармоқда наслчилик ишларини илмий асосда ташкил этиш, асаларичилик хўжаликлари фаолияти самарадорлигини ошириш, асал маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ва турларини янада кўпайтириш, асални қайта ишлаш бўйича замонавий технологияларни жорий этиш, соҳани экспорт салоҳиятини ошириш шунингдек асалари касалликларининг олдини олиш, даволаш ва ташхис қўйиш бўйича замонавий ва илғор усувларни жорий этиш ишларига қаратилгандир. Мамлакатимизда асаларичиликни ривожлантириш учун жуда қулай географик шароитлар мавжуд. Ҳозирги пайтда асаларичилик ширкат хўжаликлари ўрнини йирик фермер хўжаликлари, шахсий асаларичилик хўжаликлари эгаллади. Асаларичилик ривожланишига асосан акарапидоз, варроатоз, америкача ва европача чириш, нозематоз, аскосфероз, аспергиллёз, вирусли фалаж, пестицидлар билан заҳарланиш каби ва бошқа бир неча юқумли ва инвазион касалликлар тўсқинлик қилмокда. Бу касалликларнинг қандай минтақаларда кўп ёки кам учраши, яъни тарқалиши, қандай мавсумда касалликлар хуруж қилиши, касалликлар келиб чиқиш сабаблари, бу касалликлар билан неча фоиз асалари оиласи заарланиши, улардан келадиган заар миқдори тўлиқ ўрганилмаган.

Шунинг учун, асалари касалликларига қарши қўлланиладиган препаратларга чидамлилик пайдо бўлишининг олдини олиш мақсадида уларнинг ассортиментини кўпайтириб, кимъёвий тузилиши турли хил бўлган препаратларни ишлаб чиқиш, уларни алмашлаб қўллаш, бинар препаратлар (бир неча препарат аралашмаси), ротация усулинни қўллаш (бир неча йил қўлланмай қўйилган препаратларни қайтадан қўллаш) усулларини ишлаб чиқиш лозим.

**Мавзунинг мақсади.** Асаларичилик хўжаликларида асалариларнинг варроатоз, америкача чириш касалликларига қарши сульфаниламилар препаратлардан стрептоциднинг самарадорлигини ўрганиш.

**Вазифа.** Сульфаниламид препаратларидан стрептоциднинг асаларилар америкача чириш ҳамда варроатоз касаллигига қарши самарадорлигини ўрганиш.

**Тадқиқот натижалари:** *Стрептоцид сиропи: Америкача чириш касаллигига қарши* 1 кг шакар эритилган 1литр сувга 1 гр стрептоцид препарати қўшилган сиропни 200 мл дан 3 кун давомида бериб борилди. Сиропни едириш 7 кунлик оралиқ билан 3 марта такрорладик. Ушбу усул бир даволаш курси ҳисобланди. Шу усулда 3 даволаш курси ўтказилди.

Тажрибадан олдин 3 грухда 9 та америкача чириш касаллиги билан зарарланган оила бўлса, биринчи ишловдан 4 кундан кейин текширганда 1та касал оила қолган бўлса 8 та оиласи касаллик белгилари бор эди (касаллик белгилари - бу ҳали сассиқ ҳиди бор, аммо ғумбаклари жойлашган ва печатланган мумкатакларнинг тешилиб қолган ҳолатлари камайган).

Иккинчи ишловдан 4 нчи кун текширганда 1 та касал, 4 та касаллик белгиси ва 4 соғлом оила борлиги кузатилди.

Учинчи ишловдан 4 нчи кун текширганда 1 та (11,1%) касал, 2 та (22,2%) касаллик белгиси ва 6 та (66.7%) соғлом оила борлиги кузатилди.

Ҳар бир стрептоциднинг самарадорлигини синаш учун ҳар бирида 10 ромдан кам бўлмаган асалариси бўлган 12 америкача чириш билан касалланган асалари оиласи танлаб олинди. Улар 4 тадан 3 грухга ажратилди. Стрептоцид препаратининг асаларилар америкача чириш касаллигига қарши сиропи 77 % натижа берди.

**Стрептоцид сиропи: Варроатоз касаллигига қарши** 1 гр Стрептоцид 1 литр сувга ичига 1 кг шакар қўшилган сиропни 200 мл дан 3 кун давомида едириб ва 7 кунлик оралиқ билан шу усулда едиришни 3 марта такрорладик. Ана шу усул бир даволаш курси ҳисобланди. Шу усулда 3 даволаш курсини ўтказдик.

Тажрибадан олдин 3 грухда 9 та варроатоз касаллиги билан зарарланган бўлса, биринчи ишловдан 4 кундан кейин текширганда 1та касал оила қолган бўлса 8 та оиласи касаллик белгилари бор эди.

Иккинчи ишловдан 4 нчи кун текширганда 1 та касал, 4 та касаллик белгиси ва 4 соғлом оила борлиги кузатилди.

Учинчи ишловдан 4 нчи кун текширганда 1 та (11,1%) касал, 2 та (22,2%) касаллик белгиси ва 6 та (66.7%) соғлом оила борлиги кузатилди.

Ҳар бир норъсулфазолнинг самарадорлигини синаш учун ҳар бирида 10 ромдан кам бўлмаган асалариси бўлган 12 та варроатоз билан касалланган асалари оиласи танлаб олинди. Улар 4 тадан 3 гуруҳга ажратилди. Стрептоцид препаратининг асаларилар варроатоз касаллигига қарши сиропи 66.7% натижада берди.

**Хуносаси:**

1. Асаларилар америкача чириш касаллигига қарши стрептоцид сиропи 77%, самара беради
2. Варроатоз касаллигига қарши стрептоцид сиропи 66.7% самара беради.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. В.М.Дускулов, О.С.Давидов, М.Исаев, О.К.Джуракулов «Асалари касалликларини даволашда маҳаллий доривор ўсимликлардан тайёрланган воситалар самарадорлиги» Veterinariya meditsinasi №9-сон, 2018. 33-35-бет.
2. Ф.Б.Ибрагимов, В.М.Дускулов, А.Х.Хамроев. “Асалари касалликларига қарши сульфаниламиidlар самарадорлиги” Veterinariya meditsinasi №3-сон, 2020. 29-30-бет
3. Холматов Ҳ.Ҳ, Пратов Ў.П, Маҳсумов М.Н. Асоратсиз доридармонлар. “О‘QITUVCHI” нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент -2006.-208 б.